

Фиқҳ дарслари (129-дарс). Нажосатнинг турлари (иккинчи мақола)



16:00 / 25.03.2021 6183

سَيَّبْنَا لِبُؤْتِ نَمَّهَ بَانَجَلِ لِسُغَا تُنْكَ ؛ تَلَاقِ اَهْنَعُ هَلْ لِي صَرَّهَ شَائِعْ نَع
بُؤْتِ يَفِءَامَلِ اَعْقُبُّ نِاِوَهَ اَلصَّلَا اِلَى اِلْجُحْيِ فَ مَلَّسَ وَاَهْلَعُ هَلْ لِي اِلَّص
هُسْمَحْلِ اِهْاُور

Оиша розияллоху анҳо айтади:

«Мен Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг кийимларидан жунублик асарини ювиб қўяр эдим. Ул зот кийимларидаги сувнинг ҳўли билан намозга чиқар эдилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Оиша онамизнинг «жунублик асарини» дейишлари «манийнинг асари» деганларидир. Чунки инсон маний чиқиши билан жунуб бўлади.

هُلَلِ الْجِلْبَابَ وَالْجُورَ وَبَوَّثْ نَمَّيْنِمْلَا كُرْفَا يَنْتِيَارُ دَقْلٌ تَلَاقُ أَهْنَعُو
يِرَاخُ بِلَا إِلْ إِهَسْمُ خُلْ هَاوْرٍ هِيَفِ يَلْ صُيْفِ الْكُرْفِ مَلَسْ وَهَيْلَعِ

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кийимларидан манийни яхшилаб уқалаб ташлар эдим. Ул зот ўша кийимда намоз ўқир эдилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Махси жисми бор нажасдан уни ерга ишқаш билан пок бўлади.

Махси ва бошқа пойабзаллар шу тариқа покланади.

هُلَلِ الْيَضْرَةَ رِيْرُهُ يَبَا نَعْمُ كَخْلَاوَةً مَيْرُخُ نَبَاوَنَابِحُ نَبَاوَدُوَادُ وَبَا يَوْر
يَدَالَا مُكْدَحَا ئَطُوَادَا: «لَاقُ هُنَّ مَلَسْ وَهَيْلَعُ هَلَلَا يَلْ صَيْبَنَلَا نَعُ هُنَّ
بُارْتَلَا أْمُهُرُوهُ طَفِ هَيْفُخَبِ».

Абу Довуд, Ибн Ҳиббон, Ибн Хузайма ва Ҳоким Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачон бирортангиз оёқ кийими ила ахлатни босса, уларнинг поклиги тупроқ биландир», деганлар.

مَلَسْ وَهَيْلَعُ هَلَلَا يَلْ صَيْبَنَلَا نَعُ دِيْعَسِيْبَا نَعْيِي وَاحْطَلَاوَدُوَادُ وَبَا يَوْر
يَدَا وَأَرْدَقُ هَيْلَعُ نِيْفِ يَارْنِإِفِ رُطْنِيْلَفِ دَجْسَمْلَا مُكْدَحَا أَجَادَا: «لَاقُ
أْمَهِيْفَلْ صِيْلَوُوهُ حَسْمَيْلَفِ».

Абу Довуд ва Таҳовий Абу Саъиддан қилган ривоятда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачон бирортангиз масжидга келса, қарасин. Агар икки кавушида ифлос ёки ахлатни кўрса, артсин ва иккиси билан намоз ўқийверсин», деганлар.

Ундан бошқасидан фақат ювиш билан пок бўлади.

Жисми йўқ суюқ нажосат оёқ кийимига сингади. Уни артиш билан кетказиб бўлмайди. Балки ювиш керак.

Қилич ва унга ўхшаш нарсалар масҳ билан тозаланади.

Ўша вақтдаги сайқалланган қиличларга сув тегса, сифати бузилган. Шунинг учун уларни артиб тозаланган. Саҳобаи киромлар шундай қилганлари ҳақида ривоятлар келган.

Гилам устидан бир кеча сув оқизиш билан пок бўлади.

Кундузи бўлса ҳам ҳечқиси йўқ. Муҳими – муддат. Шундай қилинса, гиламдаги нажосат қолмайди.

Ер ва ўсиб турган қамишдан ясалган қапа ва ўт-ўланларга ўхшаш ерга ёпишган нарсалар қуриши ва (нажосат) асарининг кетиши билан намоз учун пок бўлади, таяммум учун пок бўлмайди.

Бу нарсалар ердан ажрамагани учун, уларни ювиб, сиқишнинг ёки ёйиб қуритишнинг иложи йўқ. Улар қуёшда, шамолда ёки оловда қурилади ёки нажосат асари кетказилади.

Бу услуб ила тозаланган нарсаларда намоз ўқиса бўлади. Аммо уларга қўлни уриб, таяммум қилиш жоиз эмас. Асл тупроқнинг тозалиги Қуръони Каримда келган. Нажосатдан мазкур услуб ила тозаланган тупроқ унинг даражасига етмагани учун таяммум қилишга ярамайди.

Отнинг ва ейиладиган ҳайвонларнинг пешоби ва ейилмайдиган қушнинг ахлати каби енгил нажосатда кийимнинг тўртдан бирдан ози афв қилинади.

Енгил нажосатнинг «енгил» деб аталишига сабаб, уларнинг нажаслиги ҳақида ривоятлар ҳар хил келганидир. Баъзилари «нажас» деса, бошқалари «нажас эмас» деган. Нажаслиги ғолиб бўлган. Шунинг учун уни «енгил нажосат» дейилган.

Мазкур нажосатдан кийимнинг тўртдан бирига ва ундан озига тегса, афв бўлгани учун намоз ўқиса бўлаверади. Бадандан бир аъзонинг тўртдан бирига тегса, афв қилинади.

(Давоми бор)

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди